РИВОЖЛАНГАН ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ

Ирода Латиповна Атақова
Чирчиқ давлат педагогика институти академик лицейи ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси томонидан ривожланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида амалга оширилган туб ислоҳотлар, конунчилигимизга киритилган ўзгартиришлар, жамоатчилик назорати тушунчаси, фуқаролик жамияти институтлари, давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, 2018 йил 13 апрелда кучга кирган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг муҳим жиҳатлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, фуқаро, жамоатчилик назорати, жамоатчилик назорати шакллари, қонун, санкция.

THE ROLE OF PUBLIC CONTROL IN THE ESTABLISHMENT OF A DEVELOPED LAW STATE AND CIVIL SOCIETY

Iroda Latipovna Atakova
Teacher of academic lyceum of Chirchik State Pedagogical Institute.

ABSTRACT

This article deals with the radical reforms implemented by the Republic of Uzbekistan during the years of independence to build a developed rule of law and civil society, changes in our legislation, the concept of public control, the relationship between civil society institutions, government agencies and citizens. It also highlights important aspects of the Law on Public Oversight, which came into force on April 13, 2018.

Keywords: civil society, rule of law, citizen, public control, forms of public control, law, sanctions.

КИРИШ

Маълумки, фуқаролик жамиятини шакллантириш – албатта, бу узоқ давом этадиган, узлуксиз ва мураккаб жараён бўлиб, бу максадга эришиш мамлакат ва жамиятни ислох қилиш максадлари ва йулининг туғри танланганига, биринчи

навбатда, одамларнинг онгу тафаккурида демократик ва либерал қадриятларнинг нақадар мустахкам ўрин олаётганига боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш энг маҳбул йўлдир. Бу – жаҳон тажрибасида синовдан ўтган йўл. Давлат ҳачон ўз вазифасини муваффаҳиятли адо этади? Қачонки давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлса”[1],- деб таъкидлаши ҳам мазкур масаланинг нечоғлик долзарб эканлигини англатиб турибди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Фуқаролик жамиятининг муҳим шартларидан бири бу – давлат органлари самарали фаолият юритишида жамоатчилик назоратининг ўрнатилганлигидир. Мазкур институтнинг давлат органлари ходимлари қонунга риоя этиб, вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишида таъсир доираси юқори.

Зеро, халқ ҳокимиятчилиги принципи Конституциямизнинг асосий принципларидан биридир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бу каби иштирок этиш йўлларидан бири – давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдир. [2]

Жамиятда назоратнинг турли шаклларини учратишимиз мумкин. Масалан, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурор назорати, қонунларнинг ижро этилиши юзасидан парламент назорати, маъмурий, молиявий, божхона назорати ва бошқалар. Буларнинг орасида жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутади. Негаки, қонунлар қабул қилинса уни давлат органлари ижросини таъминлай олган тақдирда ҳам ҳуқуқбузарликларни олдини олишда юқори самара бермайди. Ҳозирги кунда жуда кўплаб қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Уларнинг ижросини назорат қилишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар улгурмаслиги мумкин. Бундан ташқари, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаммаси ҳам ҳар доим қонунга риоя қиладими, барча инсонларнинг манфаатларини ҳисобга оладими? Агар бундай бўлганда жамиятда коррупцион ҳолатлар кузатилмас, баъзи мансабдор шахслар ўз хизмат вазифаларини суистеъмол қилганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилмас эди.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Жамоатчилик назоратининг юқорида келтирилган назорат турларидан нима фарқи бор?

Жамоатчилик назоратининг бошқа назорат турларидан асосий фарқи шундаки, жамоатчилик назоратининг объекти – давлат органлари фаолиятидир. Ушбу жиҳатлар 2018 йил 13 апрелда кучга кирган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда тўлиқ очиб берилган. Мазкур қонун 21 моддадан иборат бўлиб, қонунчилигимизда биринчи бор белгилаб берилди. Унга кўра:

Жамоатчилик назоратининг шакллари қуйидагилардан иборат:

давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;

давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

жамоатчилик муҳокамаси;

жамоатчилик эшитуви;

жамоатчилик мониторинги;

жамоатчилик экспертизаси;

жамоатчилик фикрини ўрганиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Юқорида саналган жамоатчилик назоратининг 8 та шаклида ҳам назорат шаклларини амалга оширишда жамоатчиликка алоҳида урғу берилмоқда. Бу эса коллегиалликни, ташкилий уюшганликни талаб этади. Қолаверса, бу масала моҳиятини тушунмаган одамлар томонидан турли хил суиистеъмолликларга йўл қўймасликнинг олдини олишга қаратилган.

Лекин, бу жиҳат, фуқаро жамоатчилик назоратида иштирок этмайди, дегани эмас. Ушбу назорат шакллари очиқ, ошкора ўтказилади. Унда муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирок этиши, ўз фикрини эркин билдириш ва таклифлар киритишга ҳақли.

Қонунни қабул қилиш ишнинг бир қисми, қолгани унинг ижросини таъминлашдир. Қонунда кўрсатиб ўтилган жамоатчилик назорати шакллари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Шу маънода, жамоатчилик назорати самарали фаолият кўрсатиши учун фуқаролик жамиятининг асоси бўлган ўрта синф – мулкдорлар қатлами уюшиши, давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиқлик ва шаффофлик кенг таъминланиши, фуқаролар ва давлат хизматчиларида сиёсий-ҳуқуқий онг ва маданияти талаб даражасида бўлмоғи зарур.

НАТИЖАЛАР

Бунда бугунги кунда ўн мингга яқинни ташкил этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари қонунда ифодаланган ҳуқуқларини амалга ошириш учун ўз “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Қонун ижросини самарали таъминлашда 2018 йил 4 майда тузилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг ўрни ва роли жуда муҳим. Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Президентни мунтазам хабардор қилиш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, масъул институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш белгиланган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий элементларидан бири бўлган давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Энди эса жамоатчилик назоратининг субъектлари яъни фуқаролар дахлдорлик билан ушбу вазифани сидқидилдан адо этишлари лозим. Зеро, мамлакатимиз тараққиёти, адолатнинг устувор бўлиши учун фақат давлат ва унинг органлари эмас, балки барчамиз масъулмиз.

REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.:“Ўзбекистон”, 2017, 1-жилд, 489-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент. “Ўзбекистон”, 2019, 13-бет.
3. Hojiyev R.B., Xolmo`minov G.B., Sharipov M.L. (2020) Raising a Harmoniously Developed Generation is a Priority of Democratic Reforms in Uzbekistan // *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, №8(5). 1-3.
4. Хажиев, Р.Б. (2014) Факторы развития общественной активности у студентов и молодёжи. *Молодой ученый*, №*20*, С. 532.
5. Hojiyev R. B., Adilov Z. Y. (2017) The source of developing intellectual ability. *Молодой ученый*, №*22 (4)*, С. 389-393.

6. Хажиева, М.С., Хажиев, Р. Б. (2015) Роль молодёжи в реализации социальной активности толерантности. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. №2, 30-32.
7. Khodjiev, R.B. (2015) The Conceptions on Developing Student Youth Social Activity. *Austrian Journal of Humanities and Social Sciences*, *№1-2*, P. 52.
8. Икрамов Р.А., Хожиев Р.Б. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. Вестник науки и образования. № 14 (92). Часть 1. С. 88-90.
9. Maksuda Khajieva, Rasulbek Khajiev (2015). The Role of the Tolerance in Society and its Philosophical Interpretation. Young scientist. Vol. 2. P. 159-161.
10. Umid Abdalov, Rasulbek Hadjiyev (2015). The Role of Community in the Development of Society of Citizenship. Young scientist. Vol. 2. P. 107-109.
11. Makhmudova, N.D., Hojiyev R.B. (2014). The scientific inheritance of great ancestors who worked in the mamun Academy. Сборники конференций НИЦ Социосфера. Issue 45, С. 34-35.
12. Хажиева, М.С., Хожиев Р.Б. (2014). Хусайн воиз кошифийнинг гуманистик ғоялари. Сборники конференций НИЦ Социосфера. С. 148-150.
13. Хажиева, М.С., Хожиев Р.Б. (2014). Толерантлик ва унинг хусусиятлари. Сборники конференций НИЦ Социосфера. С. 39-40.
14. Атажанова, Р. Р. (2020). Рабочая тетрадь по изобразительному искусству как средство повышения крэативного мышления самостоятельной работы учеников в младших классах. Academic Research in Educational Sciences, 1(2), 201-204.
15. Халилов Р. Ш., Атажанова Р. Р. (2018). Использование рабочей тетради в обучении изобразительной деятельности в начальном классе. Молодой учёный, № 7 (193). 196-199.
16. Rakhimovna, A. R. (2020). Art workbook as a means of improving the efficiency of independent work of pupils in younger classes. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8 (5), 54-56.